“DORI-DARMON”
AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

26.06.2026 № 11-13/709

100021, O`zbekiston Respublikasi,
Toshkent sh., Chorsu m., 21
Faks: 244-83-68, tel. 120-48-48
e.mail: office@doridarmon.uz

**«DORI-DARMON» aksiyadorlik kompaniyasi акциядорларига**

**«DORI-DARMON» АК акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида хабарнома**

**ҲУРМАТЛИ АКЦИЯДОРЛАР!**

«DORI-DARMON» aksiyadorlik kompaniyasi акциядорларининг 2026 йил 30 июнь кунига белгиланган навбатдаги йиллик умумий йиғилиши Кузатув кенгашининг қарорига асосан бекор қилинганлигини маълум қиламиз.

«DORI-DARMON» aksiyadorlik kompaniyasi Кузатув кенгашининг 2026 йил 19 июндаги қарорига асосан Жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2026 йил 17 июль куни, Тошкент шаҳри, Чорсу майдони, 21 уй манзили бўйича Компаниянинг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш соат 11:00 да бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:00 дан бошланади. Акциядорларни руйхатга олиш соат 10:50 да тугатилади Умумий йиғилиш ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри 2026 йил 13 июль ҳолатига тузилади.

Электрон почта манзили: office@doridarmon.uz

**Йиғилиш кун тартиби:**

*1. Саноқ комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.*

*2. Компания акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.*

*3. Компания Кузатув кенгашининг 2025 йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда аввалги йиллар бўйича Кузатув кенгаши раисининг маълумотини эшитиш тўғрисида.*

*4. Компаниянинг 2025 йил якуни бўйича ташқи аудит натижалари ва аудиторлик ташкилотининг хулосасини кўриб чиқиш.*

*5. Компания бошқарувининг 2025 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.*

*6. Компания корпоратив бошқарув тизимини 2025 йил якунлари бўйича баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.*

*7. Компаниянинг 2025 йил якунлари бўйича соф фойда/зарарини тақсимлаш.*

*8. Компаниянинг 2026 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.*

*9. Компания Бошқаруви томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда иловага мувофиқ, мустақил равишда аффилланган шахслар билан битимни (битимларни) тузишни маъқуллаш.*

*10. Компаниянинг 2026 йил молиявий–хўжалик фаолиятини молиявий ҳисоботларнинг миллий ва халқаро стандартлари талабларига мувофиқ ташқи аудит текширувидан ўтказиш, аудиторлик ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш тўғрисида.*

*11. Компаниянинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва уни янги таҳрирда тасдиқлаш.*

*12. Жамият амалдаги Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш;*

*13. Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш.*

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ва овоз бериш учун, акциядорларда шаҳсни тасдиқловчи хужжат, акциядорлар вакилларида эса қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома бўлиши лозим.

Акциядорлар умумий йиғилишда кўриб чиқиладиган масалалар бўйича маълумот ва материаллар билан «DORI-DARMON» АКда ушбу эълон берилган кундан бошлаб йиғилиш ўтказиладиган кунга қадар соат 10:00 дан 17:00 гача танишишлари мумкин.

**Бошқарув раиси в.в.б.** **А.А.Камилов**